

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган



Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 146 (1472), 2025 йил 18 июль, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



Юксалиш палласи



ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН САРМОЯ

ИНВЕСТИТОРЛАР НИМА УЧУН ЮРТИМИЗГА ИНТИЛМОҚДА?

Марказий Осиёнинг қоқ юрагидида жойлашган Ўзбекистон халқаро инвесторлар учун тобора жозибадор йўналишга айланиб бормоқда. Сўнгги етти йил ичида мамлакатимизга 120 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилиниб, олти мингдан зиёд корхона ташкил этилди. Хусусан, 2024 йилда инвестициялар ҳажми 35 миллиард, экспорт ҳажми эса 27 миллиард долларга етди.

► Давоми 2-бетда



Биз танлаган йўл

ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ

ЖАМИЯТНИ СИНМАС, МАМЛАКАТНИ ЕНГИЛМАС КУЧГА АЙЛАНТИРАДИ

Тупроқдан лой қилиб, маромига етказиб пишираётган кулолни кузатиб, инсон бежиз ундан яратилмагани ҳақида мулоҳаза юритади киши. Чунки кулол қўллари билан ишлов бергани сайин лой янада мустаҳкамланиб, шакл-шамойили, тароватини ўзгартириб бораверади. Уста ундан истаганини: сопол, турли буюмлар ёки жарангдор чинни ҳам ясаши мумкин. Буюмларнинг тайёрланиши лойга қанчалик ишлов берилиши, оловда қиздирилишига боғлиқ.

Тупроқнинг бошқа жинсларда бўлмаган яна бир хусусияти унумдорлигидир. Унга митти уруғ қада-сангиз, муайян вақт давомида улкан бир дарахтга эврилади. Яратган ҳам инсон танасига икки нарсас — руҳидан бир парчасини кўмиб — қалб, миёнага илм уруғини сегиб — онг деб атади. Тупроқдан яралиши ва мана шу икки унсур инсонни дунёдаги энг буюк мўъжиза, мукаррам зотга айлантирди.

► Давоми 3-бетда



ИМКОНИАТНИ ҚАДРЛАГАН МИЛЛАТ БУЮК КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШГА ҲАҚЛИ

Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари

Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтаришга қодирсиз. Сизлар Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Миллат тақдири унинг фарзандлари қандай таълим олганига боғлиқ. Таълимга очилган йўл миллат келажагини, миллат келажаги эса тарихнинг қандай ёзилишини белгилайди. Бугун янги Ўзбекистон орзулари бебаҳо, фидойи ва билимли авлод юртига айланмоқда. Бир пайтлар таълим эшигига йўлни пахта далаларию қоғоз уюми орасидан излаган авлод чеккан изтироблар бугун бўлиб кетаётгани бугун ёшларга яратилаётган имкониятлар беҳисоблигига боғлиқ. Чунки имкониятнинг қадрлаган миллат келажагини адолат билан қуришга ҳақли.



Яқинда Президентимиз ёшлар билан учрашувда бутун Ўзбекистон йигит-қизларини қутлуг айём — Ёшлар куни билан самимий табриклади. Мазкур мақолада давлатимиз раҳбари нутқидаги айрим жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.

Сўнгги йилларда юртимиз иқтисодиёт, фан ва таълим, маданият ва спорт соҳаларида улкан ютуқларга эришмоқда. Бугун Ўзбекистонда яратилаётган имкониятлар, очилаётган ҳар бир эшик, амалга оширилаётган лойиҳалар



ортида изланувчан ва ватанпарвар ёш авлоднинг сайй-ҳаракатлари, куч-ғайрати мужассам.

Биз юртимиз иқтисодиёти жадал ўсиб бораётганидан фахрлансак, унинг замирида ҳам юқори интеллектуал салоҳиятга эга ёшларнинг ҳаракати, ғояси, меҳнати ва жасорати турибди. Бугунги юрт тараққиётидаги ҳар бир ютуқда ёшларнинг ўрни бор ва бу фақатгина бошланишидир. Эртанги ривожланган, замонавий Ўзбекистонни қуришда бош роль айнан ёшларга тегишли бўлади.

Давлатимиз раҳбари нутқида бир маълумот қайд этилдики, бу ислохотлар бошланган илк кунларданок “илм — тарбия — инновация” заنجирининг бутун бераётган аниқ натижаларига исбот бўлди.

Ўтган йили юртимиз ёшлари ТОП-500 талик олийгоҳларга кириш бўйича Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллагани ҳамда илк бор ТОП-5 таликдаги олийгоҳларга кириб, тарихий натижа қайд этгани таъкидланди. Шунингдек, бугунги кунда 30 нафар ёш дунёнинг ТОП-10 талик олийгоҳида, 500 нафари ТОП-100 ва 1500 нафари ТОП-300 дан жой олган нуфузли университетларда тахсил олаётгани эътироф этилди.

Бу маълумотни ҳаяжонланмасдан шунчаки ўқиш ёки эшитиш мумкин эмас. Сабаби бу даврларга етиш учун қанча йўл босиб ўтилди ва қанчалик оғир бўлмасин, бугун натижалар буй кўрсатмоқда.

► Давоми 5-бетда

Давра суҳбати

МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗ УЧУН ҲАЁТБАХШ ҲУЖЖАТ

4

6

СОДАДАЛАШТИРИЛГАН САВДО — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ РАҚОБАТ УСТУНЛИГИ



Ислохотлар амалда

ДАВР ЎЗГАРДИ: ИМПОРТ ЭМАС, ЭКСПОРТ ҚИЛАМИЗ

Сурхондарёнинг саноатлашаётган қиёфаси



Шу йил 26 май куни давлатимиз раҳбари раислигида маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Йиғилишда таъкидланишича, ҳозир мамлакатимизда тўқимачилик, мебелсозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаларида 1 миллионга яқин аҳоли ишлаяпти. Умуман, бугун саноатдаги маҳаллийлаштириш янги иш ўринларини яратиш ва иқтисодий барқарорликка хизмат қияпти.

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида маҳаллийлаштириш дастури доирасида 41 та лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳалар орқали умумий қиймати 445,5 миллиард сўмлик маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Бизнес субъектлари томонидан тиббиётда қўлланиладиган табиий мазлар, стевия доривор ўсимлигини қайта ишлаш ва қадоқлаш, қурилиш материаллари, декоратив ойна, автомобиль мойлари, оловга чидамли гишт, сув иншоотлари учун эҳтиёт қисмлар,

қамишдан плитка, аграр соҳага мўлжалланган минерал ўғитлар, электротехника ҳамда чарм маҳсулотлари каби қатор импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турлари ўзлаштирилиши режалаштирилган. Айни пайтда ушбу йўналишларда амалий ишлар олиб боришмоқда. Бу эса вилоят саноатидаги ички эҳтиёжни қондириш ва импортга бўлган эҳтиёжни камайтиришда муҳим қадам ҳисобланади.

► Давоми 4-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



Биз танлаган йўл

ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ БИРЛИГИ

ЖАМИЯТНИ СИНМАС, МАМЛАКАТНИ ЕНГИЛМАС КУЧГА АЙЛАНТИРАДИ



Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Мақобатли тоғлар, яшил қир-адирлар, шошқин дарё, осмонни тўлдириб турган чақоқ юлдузлар — бутун бир борлиқ мана шу инсон ва унинг қамолоти учун яратилган. Шу боис, атоқли шоир Эркин Воҳидов:

*Собит ўз маъносида, сайёр фазо дунёсида,
Қоинот саҳросида қарвон ўзинг,
дея битган эди.*

Ҳа, инсон тирик мавжудотлар сарбони, у борлиқ қарвони йўналишига Яратганнинг инояти, қалби ва онгу тафаккури билан таъсир қила оладиган, оламни обод ҳам, вайрон ҳам этишга қодир ноёб мажлуотдир. Таъсир қилиб, минг йиллар олдин горларда яшаган одамод бугун йирик шаҳарлардаги 50-100 қаватли бинолар деразасидан кўраи заминга назар солиб турибди, минглаб километр баландликда парвоз қилмоқда. Инсон ўтган фурсат ичида нафақат ўзи улайди, балки дунёи дунни ҳам мисли қўрилмаган даражада ўзгартириб юборди.

*Шамс — дил тафтиндадур,
сайёралар қафтиндадур,
Кенг жаҳон забитиндадур,
бобон ўзинг, посбон ўзинг.*

Хўш, бунга қандай эришдик? Албатта, бирик, ҳамжихатлик билан. Одамлар оила, уруғ, қабила, жамият, давлат, халқро ташкилотлар каби тузилмаларга бирилашиши натижасида муваффақияти улғуворлашиб, қудрати тасмақдорлашиб бораверди.

Қилинаётган кашфиёт, янгиланиш, ўзгариш ва тараққиёт учун одимларда халқ, миллат, башар манфаатлари илгари сурилса, у янада улғувор ҳамда боқий натижаларга эришаверида. Аммо ўзи яққа ҳукморон, оила, табақа фойдасига ҳизмат қилганларнинг амаллари кўмга сингган сувдек гойиб бўлди. Акс ҳолда, ўрта асрлардаги яккахоқимликка асосланган қироллик, хонлик ва подшоликлар бутунга келиб ер юзидан супурилиб кетмаган бўларди. Ўтган давр мобайнида ислохотлар, ўзгаришлар негизида халқ, умуминсон манфаатлари устуни қўйилган давлат тузилмалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шу боис, антик даврда пайдо бўлган республика ҳамда демократия давлат бошқаруви тизимлари бугун ҳам энг мақбул ва мукаммал тузилма сифатида эътироф этилади. Дунёда 190 дан ортқ мамлакат бўлса, шундан 150 га яқинида давлат тузumi республика экани ҳам сўзимизни исботлайди. Айни пайтда тузилмаларнинг асосий унсuri халқнинг сайлаш ҳуқуқи орқали бошқаришидир. “Ҳозир монархия каби ўзга давлат бошқаруш шакллари йўқми?” дейишингиз мумкин. Албатта, бор, аммо уларда ҳам демократик тамойил унсurlари мавжуд. Ундай тамойилларга амал қилмайдиганлари тараққиётдан ортда қолиб, йил сайин кучсизланиб бораётган давлатлар сирасига киради.

Зеро, борлиқ инсоният қамолоти учун бунёд этилган экан, нега инсон онги ва ҳис-туйғулари орқали тузиладиган давлат инсон манфаатлари учун бўлмаслиги керак! Шоир байтида қайд этганидек, дунёда сарбон ҳам, қарвон ҳам халқнинг ўзи бўлиши зарур.

Ўзбекистон ҳам халқ манфаатлари устуни қўриладиган, сайлов қонунчилигига асосланган, адолатли, демократик республикалардан бири. Хусусан, халқимизнинг сиёсий иродаси билан референдум орқали 2023 йилда янги тахрирда қабул қилинган Конституциямизнинг биринчи моддасида давлат тузumi қатъий белгилаб қўйилган. Унда “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, дея қайд этилган. Янгиланган Бош қонунимизга кўра, Ўзбекистон нафақат демократик республика, балки ижтимоий давлат ҳамдир.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ҳам Ўзбекистон тобора инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари улғуланадиган ижтимоий давлатга айланиб бораётгани алоҳида қайд этилган. Хўш, “ижтимоий давлат” дегани нима, қай тартибдаги тузилма, унинг мазмун-моҳияти, таъ-замирида қандай улуг мақсадлар ётади?

Халқ манфаатлари қаррасига устуни қўйиладиган ижтимоий давлат “инсон — жамият — давлат” тамойили, яъни жамият талаблари, ислохотлар марказида инсон манфаатлари турадиган юртдир. Демократик республикалар ҳақиқий адолатни таъминлаш, муқаррам инсонга хизмат қилишнинг энг мақбул қўринишидир.

Ижтимоий давлат гўзал соодатга элтади

Ижтимоий давлат тамойилида тараққиёт пиллапояларидан ҳеч ким қолиб кетмаслиги мақсад қилинган. Бу йўлда, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам: болалар ва аёллар, ногиронлиги бор кишилар ҳамда ишсизлик ва камбағаллик ботқоғига тушиб қолган инсонлар моддий-маънавий қўллаб-қувватланишига ургў берилади. Ижтимоий давлат фақатгина хавфсизлик, адолат, жамоатчилик тартибини белгиловчи тузилма эмас, айни пайтда халқнинг фаровон яшаш учун жавобгар тузилма ҳамдир.

Ҳиндистон императори Ашока миллоддан аввалги III асрда ижтимоий давлат гоёсини илгари сурган. У “Барча одамлар менинг фарзандларимдир” ва “Менинг ҳаракатларим фақатгина барча тирик мавжудотлар олдидати қарзини адо этиш учундир”, дея таъкидлайди. Ашока уруш ва зўравонлик билан босиб олишдан воз кечган.

Айнан ижтимоий давлат атамасини эса 1870 йилдан бошлаб немис ижтимоий сиёсатчилари ишлаб чиққан. Атама Отто фон Бисмаркнинг консерватив ислохотлари доирасида жорий этилган давлатни қўллаб-қувватлаш дастурларини тавсифлаш учун ишлатили бошланган.

Ижтимоий давлат — ўз фуқароларининг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини ҳимоя қиладиган ва ривожлантирадиган бўш қарув шакли. У тенг имкониятлар, бойликнинг адолатли тақсимланиши ва фуқаролар орасидати минимал ҳаёт шароитларига эга бўлмаганлар учун давлатнинг жавобгарлиги тамойилларига асосланади. Албатта, бу, ўз навбатида, давлат ва жамият тараққиётини ҳам белгилайди. Чунки халқнинг эртаси учун

қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилиши ортдан катта ижобий натижаларга эришилди. Уларнинг ҳар бирини санасангиз, улкан достон бўлади.

Сўзга ҳам поён бўлур,

*ёзсам яна девон бўлур,
достон ўзинг, девон ўзинг.*

Давлатимиз раҳбари бу борада биринчи ўринда муаммони юмшатиш, четлаб ўтишга ҳаракат қилмай, уни ўз номи билан аташ кераклигини, яъни кам таъминланган ибораси эмас, “камбағал” иборасини ишлатиш ҳамда унга қарши янги стратегия, усуллар билан курашиш зарурлигини билдирди.

Ростдан ҳам тоғни қир деган билан у пасайиб қолмайди. Уни ошиб ўтмасдан эса манзилга етиш имконсиз. Кимдир тоққа ўзи тирмашиб чиқади. Кимдир эса қўлидан тортадиган ёки суйадиган таянчга муҳтож бўлади.

Давлат тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлидан борар эканмиз, бундай тоғлардан барча бирдек ошиб ўтиши зарур. Ўша йиллардан бошлаб бу йўлда тизимли, таъсирчан, ортга қайтмас ислохотлар ҳаётга татбиқ этиляпти.

Жумладан, аҳолининг турли ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қамраб олган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” орқали юртдошларимизнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда турли имтиёз ва имкониятлар тақдим этилиши уларнинг ҳаётини янги босқичга кўтарди.

Масалан, ўқш истагидати йилит-қизлар “Ёшлар дафтари”га кириб, ўқув марказлари тўлови ёки олиий таълим муассасаси контракт пулларини тўлаш имконига эга бўлди. Ё бўлмаса, ёлғиз аёллар ёки камбағал оила қизлари “Аёллар дафтари” орқали тикувчилик ёки кичик қандолатчилик марказлари бунёд этиб, давлатнинг қўллови, ўзининг фаол ҳаракати билан риску насобсини кўпайтирди. “Темир дафтар” одамларга моддий-маънавий кўмак бериб, уларнинг темир иродасини бўкаётган, фаровон ҳаётга тўсиқ бўлаётган уй-жой ёки бошқа бирламчи эҳтиёжларини ҳал этишда муҳим воситага айланди.



ким кўпроқ фойда келтиришини ҳеч ким аниқ айтиб беролмайди. Даҳолар шоҳлардан ҳам, камбағал-ночорлар орасидан ҳам чиқши мумкин. Модомики шундай экан, илм олиш, даволаниш, ишлаш, дам олиш каби ҳуқуқлар барча учун бир бўлсин.

*Сен ҳилол, юлдуз, салиб, Таврот,
Забурдин юксалиб,
Боймисан ёки гариб, қомрон ўзинг,
яқсон ўзинг.*

Фаровон янги ҳаёт сари илк одимлар

Президентимиз 2021 йил 7 декабрда Конституциямиз қабул қилинганнинг 29 йиллигига бағишланган нутқида “Ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат”, деган тамойилни конституциявий қонда сифатида муҳрлашнинг вақтисоати етди”, дея эзгу ташаббусни илгари сурганди. Бу ибора Бош қонунимизга шунчаки эйор қилиб қўйилмади. Балки 2017 йилдан буён ушбу тамойил асосида қилинган ўзгариш ва янгиланишлар самараси ўлароқ шу босқичга эришилди.

Ижтимоий давлатнинг асосий белгиси турмуш фаровонлигини ошириш учун халқнинг оёғидан тортиб турган камбағаллик ботқоғи ҳамда унинг бу ботқоқдан чиқиб кетишига тўсиқ бўлаётган ишсизлик муаммосига кескин, аёвсиз қурашдир. Охириги саккиз йил давомида бандлиқни таъминлаш, замонавий иш ўринларини кўпайтириш, камбағалликни қисқартириш, ёрдамга муҳтож тоифаларни



итарилмаган халқнинг давлатга ишончи ортди. Кўйишиси, ота-онасига шивирлаб айтолмайдиган, ўзини қийнаётган муаммоларини давлат идорасига бориб айтипти ва ташвишини ариятпти.

Бутунга келиб ижтимоий ҳимоя соҳаси бутунлай янги босқичга кўтарилган. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ижтимоий соҳада катта ислохотлар режалди, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва барча ҳудудларда унинг “Инсон” ижтимоий қизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилиши соҳани қаррасига ривожлантирди. Шунингдек, 65 дан ортқ ижтимоий хизмат ва ёрдам олиш имконини берувчи “Ижтимоий карта” жорий этилиши аҳолига янада қўлайликлар тақдим этмоқда.

Энди ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор юртдошларимиз хат-хужжатларни қўлтиқлаб турли идоралар эшигига бораётгани ҳам йўқ. Мутасаддиларнинг ўзи уларнинг уйига келяпти ёки турли платформаларда уйдан чиқмасдан мууроаат йўллайпти ва онлайн тарзда “Ижтимоий карта”си орқали хизматлардан фойдаланаяпти. Бу қўлайлик ва имкониятлар Ўзбекистонни ижтимоий давлатнинг ёрқин намуналаридан бирига айлантираётгани бор гап.

Аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам тизимли ислохотлар кечмоқда. Бунда, биринчи навбатда, юртдошларимиз малакасини ошириш, касб-ҳунарга йўналтириш, таълим олиши учун қўлай шароитлар яратиш йўлидан борилад. Жумладан, ёш йилит-қизларнинг айни гулалар, навқирон пайтидаги қимматли вақтини ўғирлаб, эвазига на билим, на бирор ҳунар ўргатмаган касб-ҳунар коллежлари фаолияти оптималлаштирилиб, ўрта мактаб ҳам билим, ҳам ҳунар ўргатадиган икки қарра манфаатли манзилга айлантирилди. Айниқса, замонавий касблар — дастурлаш, маркетинг, менежментнинг ўргатадиган IT парклар очилиб, “Бир миллион дастури” каби амалий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Ўтган давр мобайнида таълим билан бирга ёшларни бозорда талаб юқори касб-ҳунарларга ўргатиш тизими бутунлай ўзгарди, нодан яратилди, десак бўлмоғига бўлмайди.

Табиркорлик қобилияти борларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. Шу мақ-

Ижтимоий давлатнинг яна бир муҳим шарти ҳар бир фуқарога ҳам жисмоний, ҳам ақлий қобилиятини юзага чиқариш, ўз устиди ишлаб, кичик истеъдодини қамолотга етказишига имконият яратиш ҳисобланади. Бу йўлда Президент мактаблари, турли йўналишларга ихтисослашган мактаблар ташкил этилиши ва уларда таълим олиш ҳуқуқи барчага бирдек берилиши муҳим қадам бўлди. Натижада зукко ёшлар дунёдаги топ университетлар талабасига айланоқда, халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгалляпти. Бу ютуқларга эришган ўғил-қизлар эса давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантириляпти. Халқаро майдонларда спортда эришилган улкан ютуқларимиз бу йўналишда ҳам юқоридати каби имкониятлар яратилгани меваси.

Ҳа, бугун Ўзбекистондаги ўқув муассасаларида халқаро стандартларга мос тарзда таълим олиш ва дунёнинг олди компаниялари учун ҳам талабгир кадрга айланиш имконияти мавжуд. Фақатгина шунга яраша интилиш, ғайрат-шижоат кўрсатилса бўлгани.

Инсон қачон нолийди, ҳаётдан норози бўлади, қачонки истеъдоди, меҳнатига яраша муваффақиятга эриша олмаганида. Аммо бугун Ўзбекистонда барча ўз ҳаракатига яраша мукофотга сазовор бўлмоқда. Ўқитувчи, шифокор каби фидойий касб вакиллариининг обрўси кўтарилляпти. Илм машъалини тутган инсонлар миллат йўлини ёритиб бораётир.

*Миндинг илм нарвонига,
чиқдинг фунун осмонига,
Бу жаҳон айвонига арқон ўзинг,
вайрон ўзинг.*

Синовларда тобланаётган тизим

Бир бойбавчанинг қизи коронавирусдан вафот этган отаси ҳақида гапирар экан, унинг ҳамма нарсаси, миллиардлаб доллар пули бўлгани, аммо текин ҳаво етишмаслигидан бу оламни мангу тарк этганини айтди. Ҳа, 2019-2020 йилларда дунёни маҳв этган бу тождор вирус инсонларнинг бой, камбағал, ёш ёки қари эканига қараб ўтирмади. Давлат-



садда мономарказ, коворкинг марказлар ташкил этилди. Стартан лойиҳалар, кичик ва ўрта бизнес вакилларига сармоя ажратилди. Таббиркорлар эса имкониятлардан фойдаланиб, аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлади. Бундай тез самара берадиган механизмлардан фойдаланилиши қисқа фурсатда мева берди. Бугун меҳнатдан қочмайдиғанлар учун иш топиш деярли муаммо бўлмай қолди.

Шундай синовли даврларда давлатимиз раҳбари сиёсий ирода кўрсатиб, ҳар бир жон биз учун қадрли, биринчи масала халқимизнинг саломатлиги эканини қайд этиб, офат сабаб уйдан чиқолмай қолган юртдошларини

мизини моддий томондан қўллаб-қувватлашни ҳам эсдан чиқармади. Жумладан, Зангнота туманидаги юқумли касалликлар шифохонаси, шунингдек, Самарканд ва Бухоро вилоятлари ва бошқа ҳудудлардаги коронавирусни ташхислаш, даволаш ва илмий ўрганишга ихтисослашган шифохоналар, тиббий марказ ва лабораториялар, карантин ҳудудлари тезкор равишда ташкил этилди. Давлат ишчиларининг ойлиги ишга боровлмаётган бўлса-да, тўлаб берилди.

Бундай тезкор чора-тадбирлар синовли даврдан кам зарар билан чиқишимизга ҳисса қўшди. Ўша даврда мамлакатимизда иқтисодий ўсш секинлашди, аммо тўхтаб қолмади. Бир сўз билан айтганда, халқимиз давлатимизга суяниб, давлат халқнинг ишончи, умидидан руҳланиб, оғир даврдан тик оёқда чиқишга эришдик.

Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида юртимизнинг турли ҳудудларида кузатилган табиий ва техноген фожиалардан ҳам оқилона сиёсат, халқимизнинг бирдамлиги эвазига муваффақиятли ўтди. Зарар кўрганлар компенсация олди, моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватланди.

Нега бу воқеаларни ёдга олимпиаз? Сабаби мана шундай табиий, техноген офатлар, оммавий иқтисодий, ижтимоий-сиёсий инқирозларда ўзини қандай тутиши, халқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлай олиши ижтимоий давлатнинг бирламчи белгисидир.

Синовли йиллар бошдан кечирилган бўлса-да, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқларда ривожланиш янги босқичга кўтарилди. Бугун қонунчилик ҳужжатлари биринчи галда ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда қабул қилинмоқда. Биргина мисол, электр энергияси сарфи учун тўловда минимал тарифлар белгиляниши ҳам ижтимоий давлат меъёрлари негизига уйғун қарорлардан бири бўлди.

Айниқса, бугун дунё миқёсида иқтисодий бўҳронлар, сиёсий беқарорлик авж олган, давлатлар ўртасидати муносабатлар ўзгарувчан, агрессив қўриниш касб этган мураккаб бир шароитда ижтимоий давлатнинг аҳамияти тобора ортди бораляпти.

Шундай бир даврда ижтимоий давлат тамойиллари асосида яшаш давлат ва жамият учун ҳам энг мақбул йўлдир. Чунки давлат халқни қанчалик қўллаб-қувватласа, унинг ишончига сазовор бўлади. Аҳолида ватанпарварлик руҳи, минг йиллик қадриятларни ҳурмат қилиш, интиқлол, эркин ва фаровон ҳаётнинг қадрига етди ҳиссиёти ҳукморонлик қиладди, халқ давлатнинг энг ишонган таянчига айланади.

Бугун ижтимоий давлат сифатида Ўзбекистонда юририлаётган халқпарвар сиёсат замирида “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” сингари эзгу, тоза бир гоё мўжассам.

Бу эса юртдошларимизнинг том маънода турмуши фаровонлашишига тамал тоши бўлмоқда ва уларнинг ҳаётдан рози, нафақат ўзи, балки бутун халқ келажаги порлоқ бўлишига қомил ишонч билан умртгузаронлик қилишига хизмат етляпти.

Барча ислохотлар марказида инсон манфаатлари турган давлат ва унинг мустақиллиги умрбоқий бўлади. Ҳаёт қонунияти шу: давлат халқдан, халқ эса давлатдан куч олади. Ҳар қандай вазиятда халқига суяниш, ишона олиш давлат ва жамиятнинг синмас, енгилмас катта кучга айлантиради. Бугун мустақил Ўзбекистон ҳам ортга қайтмас ислохотлар ила ҳудди шу йўлдан илдамламоқда.

*Собит-ул сайёрада инсон ўзинг,
инсон ўзинг,
Мулки олам ичра бир ҳоқон ўзинг,
султон ўзинг.*

Сурхондарёнинг саноатлашаётган қиёфаси

Бошланиши 1-бетда

Сурхон воҳасининг имкониятларидан кенг фойдаланиш учун кўшни давлатлар билан чегарадош ва чекка ҳудудларда янги корхоналар қурилмоқда. Бунга Термиз тумани Айритом маҳалласидаги базальт хом-ашёсидан минерал вата ишлаб чиқариш лойиҳасини мисол қилиш мумкин. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 26 миллион доллар бўлиб, корхона йилига 30 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу йил давомида 345 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот бозорга чиқарилади дегани. Қувонарлиси, корхонада 320 киши учун иш ўрни яратилади.

— Корхонамизни қуришда маҳаллий ва хорижийлик мутахассислар ҳамкорликда иш юритмоқда. — дейди корхона иш бошқарув-чиси Маҳмуд Холматов. — Лойиҳа Хитой, Туркия ва Таиланд давлатларининг юқори самарадорликка асосланган замонавий техно-логиялари билан жиҳозланапти. Ҳозир барча маҳсулот ишлаб чиқариш босқичлари-ни монтаж қилиш ишлари ўз поёнига етмоқ-да. Яна икки-уч ойда бу ишларни якунига етказиб, корхонани фойдаланишга топиш-рамиз.

Олтинсой туманидаги Вахшвор тоғлари-да 60 гектар ер самарали ўзлаштирилмоқда. Ана шу ҳудуддан қазиб олинаётган базальт ва голомит тошлари қайта ишлаш учун саноат корхонасига етказиб берилмоқда.

Корхонага олиб келинган тошлар махсус технологиялар ёрдамида майдаланиб, юқори ҳароратда эритилади. Натижада жаҳон стан-дартларига мос минерал вата ва қурилишда кенг қўлланиладиган турли маҳсулотлар иш-лаб чиқарилади.

Бу маҳсулотлар иссиқлик ва совуқни сақлаши, шовқинни камайитиш хусусияти

билан ҳам ажралиб туради. Шу жиҳат-дан улар қурилиш соҳасида экологик тоза ва самарали ечим сифатида юқори баҳо-ланмоқда. Яна бир гап, корхонада хориж-лик малакали мутахассислар ҳам фаолият юритмоқда.

— Ҳозир ушбу корхонада базальт хом-ашёсидан қурилиш материали ишлаб чиқа-риш учун технологик жараёнларни монтаж қиляпмиз, — дейди хитойлик мутахассис Саду Жоу. — Бугунги кунгача ўзим ишлаёт-ган жамоа билан бирга катта қозонни ўрна-тиб, ишлашга тайёр қилиб қўйдик. Корхона учун замонавий, энергия тежамкор қозон танланган. Бу ишлаб чиқаришда сифат ва са-марадорлиқни оширади. Айтиш керакки, бу ерда ишлаш менга ёқди. Чунки аҳил, қувноқ, юқори малакали мутахассислар жамоасида ишлаш доним ёқмади.

Ушбу лойиҳа ҳудуднинг иқтисодий сало-ҳиятини янада ошириб, экспорт ҳажми кўпа-йишига хизмат қилади. Қолаверса, корхона йирик солиқ тўловчига айланади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа сабаб маҳал-лий бюджетга солиқ тушуми 20 миллиард сўмгача кўпаяди.

Термиз эркин иқтисодий зонасида импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаради-ган қатор истиқболли лойиҳалар режалаш-тирилган. Жумладан, Президентимиз 2024 йилнинг 22 ноябрь куни Сурхондарё вило-ятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғи-лиш ўтказган эди. Мазкур йиғилишда масъ-улар олдига ҳудудда иқтисодий барқарор-лиқни таъминлаш борасида қатор вазифалар қўйилганди.

Эркин иқтисодий зонадаги йирик бизнес субъекти йилига 17 миллион долларлик им-порт ўрнини босадиган қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, бешта



давлатга 4 миллион долларлик 4,5 минг тонна тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Қурилиш объектларининг муҳим ком-поненти бўлган ойна маҳсулотлари илгари Сурхондарёга четдан импорт қилинар эди. Деновлик тадбиркор 1 миллион 250 минг долларга тенг маблаг эвазига ойнага ишлов бериш корхонасини ташкил этди. Корхонада ойна мижоз тақлифига кўра турли ўлчам ва шаклга келтирилади.

— Денов туманида ҳам саноатни маҳал-лийлаштириш доирасида самарали лойиҳа-лар амалга оширилмоқда, — дейди тадбир-кор А.Ҳалимов. — Қувонарлиси, корхонамиз сабаб ишсиз ва рўзгор тебратиш учун хориж-га кетишга мажбур бўлган фуқаролар энди маҳалласида, оиласидан олис кетмай меҳнат қиляпти. Бу янги Ўзбекистондаги ангила-нишлар оддий одамлар ҳаётида қанчалик ижобий ўзгариш ясаганига яққол мисолдир.

Эҳтиёж юқорилиги боис, Термиз шаҳри-да ҳам ойна ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш корхонаси фаолият юритмоқда. На-тижада ойна импортнинг ҳажми анча қис-қарди.

— Ушбу лойиҳанинг қиймати 3 миллион долларни ташкил этади, — дейди корхона менежери Турдимурод Каримов. — Йил-лик ишлаб чиқариш ҳажми эса 30 миллион квадрат метрни ташкил этади. Бугунги кун-да турли ўлчам ва рангдаги 20 турдан ортиқ ойна маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, экс-портга ҳам йўналтирилмоқда. Бу ўз-ўзидан

“Эркин иқтисодий зонадаги йирик бизнес субъекти йилига 17 миллион долларлик импорт ўрнини босадиган қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, бешта давлатга 4 миллион долларлик 4,5 минг тонна тайёр маҳсулот экспорт қилинади.”

Сурхондарёнинг иқтисодий ўсишига ва аҳо-ли фаровонлигига хизмат қиляпти.

Термиз шаҳри саноатлашган ҳудудга ай-ланди. Ҳозир бу ерда талаб ва таклиф, ички ва хориж бозорларининг динамикаси мут-тасил ўрганилади, таҳлил қилинади. Шу ту-файли бозорбоп товар ишлаб чиқариш ғояси

илгари сурилади. Ғоя ижобати билан муҳим бўлганидек, бугунги кунда қурилишда за-рур материал ҳисобланган полистиролли ва минерал ватали сэндыч панеллар Термизда кенг миқёсда ишлаб чиқариляпти.

— Сэндыч панеллари илгари Сурхон-дарёга импорт қилинарди. Ҳозир бундай



Таҳлил

СОДДАЛАШТИРИЛГАН САВДО — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ РАҚОБАТ УСТУНЛИГИ

Замонавий иқтисодиётда ташқи савдо мамлакатнинг тараққиёт даражасини белгилаб берадиган асосий кўрсаткичлардан бирига айланди. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозори билан қанчалик чуқур интеграциялашгани, қонунчиликнинг шаффоф ва очиқ экани, рақамлаштириш жараёнлари қай даражада илгариланган давлатнинг халқаро майдондаги имижига, жозибadorлиги ва салоҳиятига бевосита таъсир қилади.

Бугунги кунда глобал иқтисодий тизим-да рақобатдош бўлиш учун фақат ресурслар етарли эмас, балки энди институционал са-марадорлик, ахборот оқимларини бошқариш қобилияти, инклюзив иқтисодий модел ва рақамли инфратузилманинг мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ортимизда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, савдо жараёнларини ра-қамлаштириш ва соддалаштириш, ортиқча расмийчиликни қисқартириш, бизнес ва давлат ўртасида очиқ мулоқотни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга ош-ирилмоқда. Бу жараёнларнинг самараси БМТ-нинг Рақамли ва барқарор савдо тартибини соддалаштириш бўйича глобал тадқиқоти (UNTF Survey) натижаларида акс этди.

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти (МХТИ) мутахассислари томо-нидан таҳлил қилинган мазкур тадқиқот нати-жаларига кўра, Ўзбекистон 92,47 фоизлик кўрсаткич билан нафақат минтақада, балки

бир қатор ривожланган давлатлардан ҳам ил-гарилари.

Ушбу тадқиқот ҳар икки йилда бир маро-таба ўтказилади, 180 дан ортиқ давлатни қа-мраб олади ва мамлакатлар ташқи савдога қай даражада замонавий рақамлаштириш стан-дартларини қўллаётганини, шаффофлиқни таъминлаётганини ва бюрократияни қисқа-ртираётганини баҳолайди.

Тадқиқотнинг асосий кўрсаткичи — Савдо тартибини соддалаштириш бўйича чора-та-дбирларнинг амалга оширилиш коэффициенти (Trade Facilitation Score) бўлиб, у 62 та йў-налиш бўйича мамлакатнинг умумий йутуқ-ларини акс эттиради. Ушбу йўналишларга Жаҳон савдо ташкилотининг Савдони содда-лаштириш бўйича битими (TFA) қондалари, шунингдек, қўғозсиз савдо, трансчегаравий электрон савдо ва “яшил” савдони соддалаш-тиришга доир янги минтақавий ва глобал та-шаббуслар кирди. Тадқиқот доирасида, шу-нингдек, кичик бизнес ва аёл тадбиркорларини



қўллаб-қувватлашга қаратилган, савдода кенг ва инклюзив иштирокини таъминловчи чора-тадбирлар ҳам ўрганилган.

Ўзбекистоннинг натижаларида акс этга-нидек, мамлакат бутун ташқи савдони фақат бошқариш объекти сифатида эмас, балки уни миллий тараққиётнинг марказий устуни си-фатида кўрмоқда. 2023 йилда 84,95 фоизлик умумий кўрсаткич қайд этган бўлса, бу йил

натижа 7,5 фоиз пунктга ўсди ва 92,47 фоизга етди. Айниқса, шаффофлик (100 фоиз), қўғоз-сиз савдо (96,3 фоиз), божхонадаги расмий-чиликни қисқартириш (95,83 фоиз) ва транс-чегаравий қўғозсиз савдо (88,89 фоиз) бўйича юқори натижалар қайд этилди. Институцио-нал ҳамкорлик соҳасида ҳам ўсиш мавжуд (66,67 фоиз), бу эса келгусидаги ислохотлар учун катта салоҳият борлигини кўрсатади.

“ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ КўРСАТКИЧИ — САВДО ТАРТИБИНИ СОДДАЛАШТИРИШ БўЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШ КОЭФФИЦИЕНТИ (TRADE FACILITATION SCORE) БўЛИБ, У 62 ТА ЙўНАЛИШ БўЙИЧА МАМЛАКАТНИНГ УМУМий йутуқларини акс эттиради.”

Бу натижаларга олиб келган муҳим оми-лардан бири “Ягона дарча” тизимининг кенг жорий этилиши бўлди. Эндиларки тадбир-корлар учун экспорт ва импорт операция-лари доирасидаги кўпгина ҳужжатлар, рух-сатномалар, сертификатлар электрон тизим орқали олинади. Давлат органлари ўртасида электрон ҳужжат айланмаси кенгайиб, аҳоли ва бизнес учун давлат хизматларига электрон кириш имкониятлари ортмоқда. Бу ўзгариш-лар нафақат вақт ва харажатни тежамок-да, балки инсонни қадрлайдиган бошқарув фалсафасини шакллантиряпти. Савдони ра-қамлаштириш энди фақат техник қўлайлик эмас, балки кенгрок маънода фуқаролик жа-мияти, шаффоф бошқарув, очиқ иқтисодиёт ва инвестиция муҳитини яратиш деганидир.

UNTF Survey 2025 натижалари Ўзбекис-тон учун халқаро аҳамиятга эга ишора бўл-ди. Бу натижалар мамлакатни глобал етқа-зиб бериш занжирларига фаол жалб этишга, халқаро ҳамкорларнинг ишончи ортишига ва инвестициявий жозибadorлиқнинг ошиши-га хизмат қилмоқда. Бу жараён, шубҳасиз, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш сари олиб борилаётган ҳаракатларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон учун савдо фақат товар ва хизматларнинг алмашишини эмас, балки инсонларнинг ўз ҳаётини осон-лаштириш, тадбиркорлик муҳитини кенгай-тириш ва иқтисодий адолатни таъминлаш

маҳсулотларни ўзимиз ишлаб чиқараяп-миз, — дейди корхона оператори Норбек Аҳмедов. — Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1 миллион долларни ташкил қи-лади. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 790 минг квадрат метр.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар ҳудуд-ларда замонавий саноат тармоқларини ри-вожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхо-наларни ишга тушириб, мавжуд қувватларни модернизация қилишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда саноат корхоналарини техник ва технология жиҳат-дан қайта жиҳозлаш борасида Сурхондарёда самарали ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Жарқўрган туманида ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга алоҳида эътибор берилляпти. Бунинг амалий ифода-ларидан бири автоклав усулда газоблок қу-рилиш маҳсулотини ишлаб чиқариш лойи-ҳасидир. Умумий қиймати 35 миллиард сўм бўлган объект томонидан бугун вилоятимиз-даги барча қурилиш иншоотларига зарур маҳсулот турлари етказиб берилмоқда.

Музработ туманида эса тадбиркор қамиш-ни майдалаб, йилига 150 минг куб метр ёғоч қириндили плита ишлаб чиқармоқда. Ушбу лойиҳа сабаб 110 дан ортиқ иш ўрни яратил-ган.

— Азалдан ота-боболаримиз қамишдан уй-рўзгор буюмларини тайёрлаган. Аmmo са-ноат кириб келган, бундай буюмларга эҳтиёж йўқ деган қараш шаклланди. Бугун даврининг ўзи олдимизга шу каби табиий бойликлардан самарали фойдаланиш заруратини қўймоқда. Технологик тараққиёт қамишдан ҳам замо-навий ва юқори стандарт талабларига жавоб берадиган қурилиш хомашёси тайёрлаш им-конини берди. Музработ тумани Амударёга яқин. Дарё соҳилида қамиш кўп ўсади. Шу пайтгача қамишга кераксиз ўсимлик деб қара-ганмиз. Одамлар ёзда уни ёқиб юбориб бўлса ҳам йўқотишга уринарди. Бугун эса бундай фикр, қарашлар умуман ўзгарди. Туманимиз-да ташкил этилган корхона фикримиз исботи. Бу корхона туманимизнинг юзлаб ёшларини иш билан таъминлади, — дейди музработлик журналист Абдусалом Йўлдошев.

Мазкур корхонада майдаланган қамишдан “Қамиш қириндили” ва “Ёғоч қириндили” плиталари ишлаб чиқарилмоқда. Лойиҳа учун 19 миллион доллар сармоя киритилган. Шун-дан 7 миллион доллар хорижий инвестиция-дир. Шу маблаг эвазига корхона замонавий технология ўсуналари билан жиҳозланган.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 30 фоизи ички бозорга, 70 фоизи экспортга йўналтирилади. Ишлаб чи-қариш линияси тўла қувватда ишласа, йили-га 2 миллион 500 минг долларлик маҳсулот экспортга йўналтирилиши ва бу орқали 2 миллион долларлик импортни камайитиришга эришилади, — дейди корхона бош муҳандиси Аббос Набиев. — Кейинги йилда корхонамиз томонидан маҳаллий бюджетга қўшимча 3,3 миллиард сўм солиқ ва бошқа йиғимлар ту-шуши кутилмоқда. Йиллик соф даромад сал-моғи эса 15 миллиарддан кўп бўлиши режа қилинган.

Сурхондарёнинг шаҳару қишлоқларида энг илгор технологиялар билан жиҳозланган тармоқлар барпо этилмоқда. Натижада ички бозор талаби тўлиқ таъминланиб, аҳоли эҳ-тиёжидан ортиқ маҳсулотлар хориж бозорига чиқарилмоқда. Бир вилоят, туман, ҳудуд кеси-мида саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари-нинг бундай юқори суриятлар билан ўсишида эса янги корхоналарнинг ишга туширилиши, мавжудларига модернизация, техник ва техно-логик жиҳатдан янгилаш ишларининг амалга оширилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



“UNTF SURVEY 2025 НАТИЖАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА ЭГА ИШОРА БЎЛАДИ. БУ НАТИЖАЛАР МАМЛАКАТНИ ГЛОБАЛ ЕТҚАЗИБ БЕРИШ ЗАНЖИРЛАРИГА ФАОЛ ЖАЛБ ЭТИШГА, ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАРНИНГ ИШОНЧИ ОРТИШИГА ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБADORЛИҚНИНГ ОШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.”

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Абу Бакир ЎРОЗОВ, журналист

Бошланиши 1-бетда

Аслида, бугунгидек тўғри таълим тизими йўлга қўйилганида бу каби натижаларга **мустақиллигимизнинг илк даврларида** эришиш мумкин бўларди. Афсуски, умрини пахта даласида ўтказган оддий оила фарзандлари илмда, спортда ва бошқа соҳаларда бундай юксак марраларни эгаллашгани тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

Сабоби нимада? Сабабки...

Яқинда ижтимоий тармоқларда бир йилгит Президентимизнинг Ёшлар кўни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқини эшитиб, оғриқли муаммони эста олди. Ўзи айни пайтда чет элда меҳнат мигранти бўлиб ишлаб юрган йилгит юртимиздаги ўзгаришларга чин маънода ҳавас билан қараётгани, бугунги кун ёшларига берилаётган эътибор нега уларнинг даврида бўлмаганидан хафалигини билдирган.

— Бугунги кун ёшлари дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларига ўқишга кириб, таҳсил олаётганидан жуда ҳавасдаман. Мен ўз вақтида юртимизда олий таълим дароҳига ўқишга кириш учун имтиҳон у ёқда турсин, ҳужжат топшира олмаганман. Мактабни туғатиб, институтга ҳужжат йиғишга киришганимдан бошланган қийинчиликлар тинкамни кўриртган. Икки марта имтиҳондан эмас, қабул комиссиясига ҳужжат топширишдан ўтполмаганман. Унис йўқ, буниси кам деб қайтаравериб, ўқитиб совитиб юборишган. Барчасига қўл ситлаб, четга ишлашга кетганман. Бизни ўша пайтдан мардикорликка тайёрлашганим деб ўйлаб қоламан. Сизларга ҳавасдаман, ёшлар, — деб изоҳ қолдирган ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда ёшлар олий таълимга ҳужжат топшириш жараёнини телефон орқали амалга ошираётган бир пайтда ўша даврларни эслаш оғриқли. Лекин бошқа томондан, бу таққос ёшларимизда бугунги қулай шароитлар, кенг имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадини мустаҳкамлайди.

Бугунги кун ёшлари тасаввур қилиши қийин, лекин бундан тўққиз, ўн йил олдин ўқш истагида бўлганлар олий ўқув юртига ҳужжат топшириш учун қабул комиссиясига келиши шарт эди.

Абитуриент деган тамғани бўйнига осиб олган йилгит-қизларнинг азобли қуларига ўша вақтдан “старт” бериларди. Институт ва университетларга ҳужжат топшириш тизими шунчалик мураккаб қилиб қўйилган эдики, ёшларнинг билим олиш, юксак илм чўққиларини забт этиш ҳақидаги нафис истаги илк кунлардан нафрат ва ғазаб отлиқ тўғиғу аламашарди.

Хар йили июнь ойи келиши билан юртимиздаги хар бир хонадонда битирувчи ўғил-қизлар учун “имтиҳон мавсуми” бошланар, абитуриентлар ҳужжатларини қозғош шаклида, қўлтиғида папка билан сурат ва тиббий маълумотномалар йиғишдан бошларди.

Абитуриент тиббий маълумотнома учун поликлиникада, сурат учун студияда, маълумотномани тасдиқлаш учун мактаб директори ёки маҳалладан рухсат олиши шарт эди. Ҳужжат олиш жараёни 4-5 кун вақт талаб қилар, ҳужжат йиғишнинг барча босқичини таниш-билиш ёки пора орқали амалга ошириш одатий ҳол эди.

Қоғоз папка, узоқ навбат ва орзулар изтироби...

Келинг, бу даврдан ўтганлар учун изтироби бир эслатма, бугунги кун ёшларига эртадек бўлган мазкур жараёни ёдга оламиз. Хар бир ёшнинг бу йўли паспорт олиш учун навбатда туришдан бошланарди. Қишлоқдаги болалар паспорт учун шаҳарга келиб, баъзан бир неча кун қолиб кетар, ариза ёзиш, суратга тушиш, турли маълумотномалар йиғиш эса алоҳида машаққат эди.

Поликлиникадан тиббий маълумотнома олиш энг қийин босқичлардан бири бўлган. Тонгдан поликлиника олдида навбат бошланарди. Хар бир хонага алоҳида навбат, хар бир шифокордан алоҳида ёзув ва муҳр босилган, “соғлом” деб ёзилган қоғоз учун баъзида кун бўйи поликлиникада айланиб, охири ҳамширага “атаганини” бериб, тиббий маълумотномага эга бўларди.

Маҳалладан “характеристика” олиш эса ўзгача синов эди. Айрим маҳаллада рансин топиш учун эртадан кечгача излаш керак бўларди. “Эртага кел”, “бу ерга бор”, “фалон оқсоқол билан маслаҳатлаш” каби баҳоналар билан ёшлар бир неча кун сарсон юрарди. Шунинг учун хар йили қабул вақтида шаҳарда гавжумлик энг юқори чўққига чикарди.

Суратга тушиш — абитуриентнинг сўнгги бекати. Хар бир университет 8 та сурат талаб қилар, у аниқ ўлчама, оқ фонда ва костюм-галстукда бўлиши шарт эди. Шунинг учун фотостудия олдида навбат, баҳс, ҳатто жанжаллар бўларди. Баъзи абитуриентлар фотосалонда сурат чиқишини эрталабгача кутарди.

Ҳужжатларни йиғиб, барчасини ғилофга жойлаб бўлгач эса олийгоҳ олдидаги навбат ҳаётимиз мобайнидаги энг унутилмас кунлардан бири бўларди. Ота-оналар ўғил-қизининг келажати, орзуси ва интилишини олийгоҳ эшиги олдида узоқ вақт ҳимоя қилган. Кимдир кечаси машинада келиб навбат



ҳисобда туриши)га доир маълумотнома олиш учун абитуриентлар тиббий кўриқдан деярли тўлиқ қайта ўтиши талаб этиларди.

Яна хонама-хона юриш, навбат кутиш, асаббужарлик ва коррупцияга дуч келинарди.

Абитуриентлик истаги йўлидаги машаққатли кунлар

Бу босқич эса ҳужжат йиғишдан ҳам қийин жараёни талаб қиларди. Ўша даврдаги олийгоҳ қабул комиссияси олдидаги манзара алоҳида ҳаёт сахнаси. Хар йили июль ойининг иссиқ кунларида олийгоҳлар олди гўё бозордек гавжум бўларди.

Хар кимнинг ўзига ҳос ташивиши, орзуси, интилишлари бор, аммо ўша вақтдаги мақсад битта — қабул комиссиясига ҳужжат топшириш.

Олийгоҳ қабул комиссияси ишга киришган кундан навбат бошланарди. Кимдир “ор-



Навбатингиз келганида, қабул комиссияси ходими хар бир ҳужжатни синчиклаб текширарди. Бу ердан бир уринишда ўтиб кетганлар жуда кам бўларди, деярли бўлмасди, десак ҳам хато эмас. Албатта, барча абитуриентга “Ҳужжатнинг тўлиқ эмас, эртага кел”, деган гап айтилар ва ёшларнинг орзу-умидини бир зумда синдириб қўярди.

Расми конвертга солиш, қоғоз папканинг ипи узилмаганига алмаштириш, қўшимча икки ёки учта оқ қоғоз қўиши каби эътирозлар энг майдаас бўлиб, рўпарада шу хизматларни йўлга қўйган “ректор راستаси”га ўтишга мажбур бўлинарди.

Энг ачинарлиси, қабул комиссияси олдидаги хар бир абитуриентни асаблари тамом бўлган отаси ёки онаси кутарди. Фарзанди ҳужжатини топшириб чиққанида ўқишга киргандек хурсанд бўлишарди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бошланган энг муҳим ва ҳаётий ислохотлардан бири ўқишга онлайн ҳужжат топшириш тизими жорий этилиши бўлди.

тиббий маълумотнома, сурат, харбий гувоҳнома талаб қилинмайдиган тизим шаклланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан абитуриентларга Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали республика давлат олий таълим муассасалари бакалавриятга ўқишга кириш учун ҳужжатлар топшириш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартиби белгиланди.

Хужжатга мувофиқ, бу тартиб таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан белгиланадиган давлат олий таълим муассасаларига нисбатан таътибқ этилди.

Аммо хорижий, хусусий ҳамда харбий олий таълим муассасалари, олий таълим муассасалари магистратураси, тест синовларисиз ижодий имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилинадиган олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишлари ушбу тартибни жорий этиш мажбуриятидан мустақилол белгиланди. Шунингдек, ушбу тартиб олий таълим муассасаларига хорижлик фуқаролар томонидан ҳужжат топширишга ҳамда Ўзбекистон таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали кириш тест синовларида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш белгиланмаган давлат олий таълим муассасаларига нисбатан таътибқ этилмайдиган бўлди.

Марказлар, Давлат тест маркази ҳамда олий таълим муассасалари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаган ҳолда, фақат идоралару электрон ўзаро боғланиш орқали амалга оширилади.

Абитуриентлар ўзининг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, исталган Давлат хизматлари марказига давлат хизматидан фойдаланиш учун мурожаат қилиши мумкин бўлди. Абитуриентларга марказга мурожаат этган ҳудудда ташкил этиладиган тест синовларида иштирок этиш имконияти яратилди.

Қарор билан белгиланган янгиланишлар, бошқача айтганда, узоқ кутилган қулайликлар аҳамиятини тўла тушуниш учун ўша даврдаги қийинчиликларни бошидан ўтказган бўлиш керак.



кутган, кимдир таниш орқали “навбат эгалаган”.

Умуман, абитуриентлар имтиҳонларга тайёрланиш ўрнига ўқув юртиларига келиш ва кишини толиқтирадиган кутни билан вақтини ўтказарди. 086 шаклдаги тиббий маълумотнома ва харбий хизматдан вақтинча озод этилгани (ёки туман мудоффа бўлимида

қамдан турасан) деб қоғозга исм ёзиб қўяр, баъзилар эса ҳолдан тоғиб, ўз навбатини кимгадир ишониб, бир неча соатга чиқиб турарди.

Одатда энг олдинги 10-20 та навбат қиммат ҳисобланар, айримлар “навбатимни сотамаман” деб 5-10 минг сўм сўрарди. Таниш-билиш орқали олийгоҳда ишлайдиган одам топиш эса энг ишончли йўл саналган.

Агар бир пайтлар абитуриентлар ҳужжат йиғиш ва қабул комиссияси олдида соатлаб, кунлаб навбатда туришга мажбур бўлган бўлса, 2019 йилдан бошлаб махсус платформа орқали онлайн рўйхатдан ўтиш тизими ишга тушди.

Абитуриентлар интернет орқали олийгоҳ танлаш, ҳужжат юбориш ва тест санасини билиш имконига эга бўлди. Бошқа ҳужжатлар —

ТАШАББУС МОҲИЯТИ УНИНГ НОМИДА МУЖАССАМ



Дилноза ҲАСАНОВА, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бугун янги Ўзбекистонда илмга эътибор катта. Таълим дастурлари энг илгор мамлакатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилиб, дарсликлар янгиланяпти, замонавий мактабгача таълим ташкилотлари, мактаблар, касбуна марказлари, олий таълим муассасалари ёшлар ихтиёрида.

“Долзарб 90 кун” ташаббуси моҳияти кенг. Аммо мен шу соҳада фаолият юритаётган мутахассис сифатида уни ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касаликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда янгича ёндашуларни жорий

этиш мақсадида илгари сурилган стратегик дастурга ўхшатаман. Ташаббуснинг асл мақсади унинг номидаёқ акс этган, яъни аниқ бир вақт — 90 кун ичида максимал даражада самарадорликка эришиш.

Глобал иқлим ўзгариши, атроф-муҳит-

нинг салбий таъсири ва шиддатли ҳаёт тарзи ёшлар орасида турли касалликлар кўпайиши хавфини оширмоқда. Ана шундай шароитда ушбу ташаббус нафақат касаликларни даволашга, балки уларнинг олдини олиш, профилактика қилишга, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ва ўз саломатлиги учун масъулиятни чуқурроқ ҳис этишга ундайди.

“Долзарб 90 кун” аҳамияти яна бир неча омилларда яққол намоён бўлади.

Профилактикага устуворлик — лойиҳа доирасида оммавий тиббий кўриқлар, скрининглар, эмлашлар ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи тадбирларга алоҳида эътибор берилаяпти. Бу эса касаликларни эрта аниқлаш ва ривожланишининг олдини олиш имкониятини яратаяпти.

Тиббий хизмат сифатини ошириш — “Долзарб 90 кун” давомида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси янада мустаҳкамланипти, ходимлар малакаси ошириляпти. Бу беморларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилайти.

Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш — оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва турли учрашувлар орқали аҳолига соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан воз кечишнинг аҳамияти кенг тушултириляпти. Бу эса



хар бир инсонни ўз саломатлигига онгли равишда ёндашишга ундамоқда.

Ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш — ташаббуснинг асосий йўналишларидан бири ёшлар саломатлигига қаратилган бўлиб, улар

орасида гиёҳвандлик, чеккиш, ичкиликбозлик каби зарарли одатларнинг олдини олиш, спорт ва жисмоний тарбияга кенг жалб этиш орқали соғлом авлодни вояга етказишга хизмат қилади.

Ўйғунлик — Бухоро давлат тиббиёт институти халқаро тиббиёт факультетининг “Устоз-шогирд” мактабида назария ва амалиёт уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилаяпти. “Долзарб 90 кун” тадбирлари айни шу тамойилларни амалиётда қўлаш учун ажойиб имконият яратди. Талабаларимиз юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиб, тиббий кўриқлар ўтказишда, аҳоли билан мулоқот қилишда, касаликларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар беришда фаол иштирок этмоқда. Бундай амалий фаолият ёш шифокорларнинг назарий билимини мустаҳкамлабгина қолмай, уларнинг инсонийлик фазилатларини, жамиятга бўлган масъулиятини оширади.

Ёз мавсумида ушбу тадбирларнинг қизгин паллага кириши беҳиз эмас. Айнан шу даврда аҳоли, айниқса, болалар ва қариюрлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Сув-туз мувозанати бузилиши, ошқозон-ичак касалликлари, юқумли хасталиклар авж олиши мумкин бўлган бу даврда тиббий профилактика ва тезкор ёрдам жуда муҳим. Шогирдларимиз ана шундай шароитларда ўз билим ва маҳоратини амалда қўлаш имкониятига эга бўлмоқда.

Бу уч ойлик фаолият нафақат муайян муаммоларни ҳал этади, балки бутун жамиятда соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Саломатлик — энг бебаҳо бойлик. Ёшларимизни соғлом, билимли ва ғайратли қилиб тарбияласак, улар, шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Тасвирий ва амалий санъат соҳаси нафақат халқимизнинг маънавий қиёфаси, балки миллий ўзлигимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Жорий йилнинг 1 июль куни Президентимиз томонидан қабул қилинган “Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор соҳани ривожлантириш ва уни жаҳон миқёсида оммалаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат Ўзбекистон Бадий академияси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб беришда мустаҳкам асос вазифасини ҳам ўтайди.

Аслида, бу қарор, аввало, тасвирий ва амалий санъатга қаратилган беқиёс эътиборнинг ёрқин ифодасидир. У миллий маданий меросимизни асраш ва уни янги босқичга олиб чиқишга йўналтирилган истиқболли йўлни бошлаб берди. Шунингдек, бу соҳа вакилларининг ўз салоҳиятини тўла намойён этиши учун яратилган кенг имконият ва ёш авлодни миллий ҳамда замонавий санъат руҳида тарбиялашнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ушбу қарор соҳа мутасаддилари, олимлар, ижодкорлар ва ёшлар ҳаётида янги босқични бошлаб, ижод аҳлини янада илҳомлантирмоқда. Бунинг соҳа мутахассислари ва тизим вакиллари иштирокида ташкил этилган давра суҳбати мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Хўш, тарихий ҳужжат соҳа вакиллари томонидан қандай кутиб олинди? Бу борада қандай фикрлар билдирилди, қандай эътирофлар айтилди ва қандай таклифлар илгари сурилди?



Акмал НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Бадий академияси
раиси, Ўзбекистон халқ рассоми:

— Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг қўламини маданий-маърифий ислохотлар жараёнида халқимиз маънавиятини, тарихий қадриятларга асосланган миллий тасвирий ва амалий санъатимизни юксалтириш ҳамда мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган, 18 та банд ва чора-тадбирлар дастуридан иборат бўлган “Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни бутун тизим учун ҳаётбахш ҳужжат деб аташ мумкин. Чунки у соҳанинг ҳар бир вакили учун ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан манфаатли бўлди. Қарор, айниқса, истисноддори ёшларни қўллаб-қувватлаш,

Соҳани ривожлантиришнинг мустаҳкам асоси яратилмоқда

бадий таълим соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, янги замонавий технологияларни қўллаган ҳолда, креатив лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қарорнинг дастлабки бандида Бадий академия фаолиятининг асосий устувор йўналишлари мужассамлаштирилган. Унга кўра, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали ижод қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ёш рассомлар учун мўлжалланган ижодий устоналар фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг шахсий ва жамоавий кўргазмаларини уюштириш каби вазифалар белгилаб қўйилган. Айниқса, Ёшлар марказининг 40 та ижодий устона билан таъминланиши, Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоларига устоналар ажратилиши уларнинг ижоди учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Қарорга мувофиқ, 2026-2027 йилларда Бадий кўргазмалар дирекциясининг кўргазмалар зали жаҳон стандартлари асосида реконструкция қилиниб, сўнгги русумда жиҳозланиши нафақат тизим фаолияти, балки кенг жамоатчилик, томошабинлар ва хорижлик меҳмонлар учун ҳам муносиб туҳфа бўлади. Тошкент Фотосуратлар уйида мультимедиа маркази, замонавий галерея биноси ва унинг ҳудудида 15 мингдан зиёд ноёб асарларни сақлашга мўлжалланган фонд-кутубхона, фотолaborатория, шунингдек, тасвирий ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари, сувенирлар тайёрлаш ҳамда таъмирлаш устоналари ташкил этилиши истиқболли ислохотларга мустаҳкам замин яратди.

Ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарларнинг эстетик қиёфасини бойитиш мақсадида тасвирий ва амалий санъат асарлари харажатларини қурилиш сметасига киритиш масаласининг ҳал этилгандир. Ўрни эътиборга олиш керакки, ҳаётимизда қуриладиган бино ва иншоотларнинг барчаси тасвирий ва амалий санъат асарлари билан безатилади.

2026 йилдан бошлаб ҳар йили танлов асосида ёш рассом, ҳайкалтарош, дизайнер, реставратор, санъатшунос ва музейшуносларни хорижий мамлакатларда малака оширишга юбориш амалиётининг йўлга қўйилиши ҳам эътиборга молик. Ушбу қарор орқали биз тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратамиз. Энди ижодкор ва унинг ижоди учун зарур шароит, юксак эътибор ва энг муҳими, катта ишонч мавжуд.

2026 йилдан бошлаб ҳар йили танлов асосида ёш рассом, ҳайкалтарош, дизайнер, реставратор, санъатшунос ва музейшуносларни хорижий мамлакатларда малака оширишга юбориш амалиётининг йўлга қўйилиши ҳам эътиборга молик. Ушбу қарор орқали биз тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратамиз. Энди ижодкор ва унинг ижоди учун зарур шароит, юксак эътибор ва энг муҳими, катта ишонч мавжуд.

санъат таълимининг миллий модели сифатида шаклланимоқда. Рассомлик мактабининг тўлиқ таъмирланиши, 400 ўринли қўшимча ўқув биноси ва 200 ўринли ётоқхона қурилиши, “устоз-шогирд” тамойили асосида ёш каламашларни тарбиялаб келаётган тажрибали рассомларнинг қўшимча рағбатлантирилиши ҳам биз учун катта воқеа бўлди.

Энди нафақат биз фаолият олиб бораётган таълим муассасаси, балки юртимиздаги барча тасвирий санъат мактаблари янада замонавий, интерактив, халқаро стандартларга мос таълимни тақдим этади. Чунки тасвирий ва амалий санъатни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий рассомлик ва хунармандчилик мактабларини қайта тиклаш, ёш истеъдодларни тарбиялаш, халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш каби бир қатор устувор вазифалар қарор бандларида алоҳида белгилаб қўйилган. Ижодий таълимга бундай эътибор келажакда етишиб чиқадиغان миллий рассомлар, дизайнерлар ва санъат арбоблари учун қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

лакатларда мавжуд эмас. Илгари кўргазма ташкил қилиш, асарларни расмийлаштириш учун ҳатто етарли ресурслар йўқ эди. Энди давлатимиз барчасига кенг йўл очди. Танловлар, стипендиялар, хорижий тажриба алмашиш дастурлари — буларнинг барчаси ёш ижодкорларнинг истиқболи ва келажаги учун яратилган имкониятлар бешигидир.

“**Бу қарорнинг қабул қилиниши ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, миллий мактабларни сақлаш ҳамда фан ва таълимни интеграциялаш борасидаги муҳим амалий қадам бўлди. Барча имкониятлар, яратилаётган шароитлар учун қўлимни кўксимга қўйиб, Президентимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.**



Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗ УЧУН ҲАЁТБАХШ ҲУЖЖАТ

Ёддан чиқмайдиган учрашув

Марина БОРОДИНА,
Ўзбекистон Бадий академияси академиги,
Тошкент архитектура-қурилиш
университети профессори:

— Жорий йилнинг 10 июлида Президентимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Янги Камолон маҳалласига ташрифи доирасида давлатимиз раҳбари билан учрашиш шарафига муссар бўлдим. Учрашувда маҳаллада санъат, архитектура ва муҳит сифатини яхшилаш масалалари ҳусусида дилдан суҳбатлашдик. Мулоқот чоғида давлатимиз раҳбарига тасвирий ва амалий санъатга қаратилган юксак эътибор, халқимизнинг маънавий дунёси ва ҳаёт сифатини оширишга хизмат қиладиган ушбу муҳим қарор учун миннатдорлик билдирдим.



Мазкур ҳужжат амалий ишларни мазмунан ва ҳажман бутунлай янги босқичга олиб чиқувчи, соҳа истиқболи учун том маънода тарихий аҳамият касб этувчи муҳим воқеалик

Нуронийлиكنинг нурли бекатида эҳтиромдамиз

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми:

— Қарор эълон қилинганига қисқа фурсат бўлса-да, унинг ҳаяжони ҳамон қалбимни тарқ этгани йўқ. Узоқ йиллик фаолиятим давомида соҳамизга бутунгидек тўқис шароит яратилганини кўрмаганман. Биз доим ана шундай фахрланса арзийдиган ҳужжат қабул қилинишини кутардик. Маошларимизнинг икки баробар оширилгани ҳам кўнглимизга кўтаринки кайфият бағишлади. Яқинда 80 ёшни қаршилаётман, лекин ҳамон ёшларга сабоқ беришдан, янги асарлар яратиш устида тинмай изланишдан тўхтаганим йўқ. Нуронийлиكنинг нурли бекатида эъзоз ва эҳтиромдамиз. Шунинг ўзи асл саодат.

Президент қарориди Бадий кўргазмалар дирекциясининг кўргазмалар зали жаҳон стандартлари асосида реконструкция қилиниб, жиҳозланиши, бино ҳудудида замонавий галерея қурилиб, 40 та ижодий устона ташкил этилиши ва унда Ёш рассомлар маркази фаолияти йўлга қўйилиши ижод аҳлига улкан илҳом бағишлаган қувончли хабар бўлди. Марказий кўргазмалар залининг мультимедиа қурилмалари, рақамлаштириш технологиялари, интерфаол экспозиция ускуналари билан таъминланиши эса нафақат рассомлар асарларининг намойиши, балки улар ҳақидаги контентни жаҳон аудиториясига етказишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Ижодкорларнинг изланиши, яхши асарлар яратиши ва фаровон яшаши учун барча қўлайликлар яратилмоқда. Илгари амалий ва тасвирий санъатга кўп ҳолларда иккинчи даражали соҳа сифатида қаралар эди. Сўнгги йилларда тизимнинг муносиб эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётганини кўриб турибмиз. Энди ана шу халқчил ҳужжатга таяниб, виждонан ишлашимиз керак. Аслида, биз, устозлар нафақат ижод қилиш, балки уни таҳлил этиш, архивлаштириш, тизимга солиш ва дунёга тақдим этиш билан ҳам шуғулланишимиз жоиз.

зиция ускуналари билан таъминланиши эса нафақат рассомлар асарларининг намойиши, балки улар ҳақидаги контентни жаҳон аудиториясига етказишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Ижодкорларнинг изланиши, яхши асарлар яратиши ва фаровон яшаши учун барча қўлайликлар яратилмоқда. Илгари амалий ва тасвирий санъатга кўп ҳолларда иккинчи даражали соҳа сифатида қаралар эди. Сўнгги йилларда тизимнинг муносиб эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётганини кўриб турибмиз. Энди ана шу халқчил ҳужжатга таяниб, виждонан ишлашимиз керак. Аслида, биз, устозлар нафақат ижод қилиш, балки уни таҳлил этиш, архивлаштириш, тизимга солиш ва дунёга тақдим этиш билан ҳам шуғулланишимиз жоиз.

Ижодкорларнинг изланиши, яхши асарлар яратиши ва фаровон яшаши учун барча қўлайликлар яратилмоқда. Илгари амалий ва тасвирий санъатга кўп ҳолларда иккинчи даражали соҳа сифатида қаралар эди. Сўнгги йилларда тизимнинг муносиб эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётганини кўриб турибмиз. Энди ана шу халқчил ҳужжатга таяниб, виждонан ишлашимиз керак. Аслида, биз, устозлар нафақат ижод қилиш, балки уни таҳлил этиш, архивлаштириш, тизимга солиш ва дунёга тақдим этиш билан ҳам шуғулланишимиз жоиз.

бўлди. Бу қарор биз учун нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки янги даврни бошлаб бериши тарихий сана сифатида қадри. У миллий санъатимизни дунёга олиб чиқиш учун кенг йўл очиб, соҳани ривожлантиришни фақат моддий қўллаб-қувватлаш билан чекламай, балки уни таълим, инфратузилма, маркетинг, тадқиқот ва экспорт каби йўналишлар билан боғлаган ҳолда комплекс ёндашувни назарда тутди.

Қарор бандларида мувофиқ, давлат бююртмаси асосида “Янги Ўзбекистон манзаралари”, “Улуғ мутафаккирлар” ва “Замонамиз қаҳрамонлари” мавзуларида ижодий ишлар яратиш тизими жорий этилади. Шу билан бирга, тасвирий ва амалий санъат соҳаси нафақат ижод ва эстетикага, балки фан, таълим ва маданий тараққиётга ҳам чуқур интеграция қилинади. Ҳужжатда илмий тадқиқотлар, архивлаштириш, миллий мактабларни ўрганиш каби масалаларга алоҳида ўрин берилгани ҳам диққатга сазовор.

Ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк

Гулаба ҚАРШИЕВА,
Қамолитдин Бехзод номидаги
Шарқ миниатюра санъати
музейи директори:

— Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қарориди Қамолитдин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи ҳудудида қўшимча бино қурилиши ва у ерда миллий ўқувда қозғ тайёрлаш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган ўқув-ишлаб чиқариш устонаси ташкил этилиши ҳақидаги алоҳида банд белгилангани биз учун катта янгилик бўлди.

Музейимиз халқ хотирасида сақланаётган илм, ёзма манбалар, миниатюра ва хаттотлик санъатининг кўп асрлик таърихнинг ёрқин ифодасини ўзиди жағлаган ўқув макон саналади. Музей фондидидаги ашёлар ва коллекциялар ўтмишнинг бебаҳо мероси, бутуннинг ва келажак авлоднинг улкан бойлигидир.

Шунинг учун музейлар ўтмиш ва келажак ўртасида кўприк ва зифасини бажарувчи муқаддас маскандир.

Қарорнинг энг катта аҳамияти шундаки, миллий услубда қозғ тайёрлаш устонаси фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча маҳсус бино қурилиши музей учун янги ва кенг имкониятлар эши-

гини очди. Бу устона таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Зеро, музей йўналиши ҳам бевосита қозғ билан боғлиқ бўлиб, миниатюра ва хаттотлик санъати ўзига хос, махсус қозғни талаб қилади. Шу боис, устона таълим ва амалиётни боғлашда катта роль ўйнайди.

Ушбу қарор маданий бойлигимиз, яъни миллий услубда қозғ тайёрлаш жараёнига янги ҳаёт, хунармандга ҳурмат, ёш авлодга эса илҳом бахш этади. Музей нафақат фондидидаги ашёларни сақлаш, балки уларни халқимиз ва сайёҳларга таъиниш, оммалаштириш, тарихий меросни жонли маданиятга айлантириши ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мазкур қарор ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий ва моддий замин яратиб берди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Гуличеҳра ДУРДИЕВА ёзиб олди.

Замонавий санъат таълими модели

Анвар МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат
арбоби, Ўзбекистон халқ рассоми,
Павел Беньков номидаги Республика
ихтисослаштирилган рассомлик
мактаби ўқитувчиси:

— Президентимизнинг мазкур қарорини миллий маданиятимиз келажатини белгилайдиган муҳим таянч сифатида қабул қилдик. Бу қарор санъат таълимига янги руҳ ва янги имкониятлар олиб келди.

Қора қалам, синеҳ ва пат билан чизиш техникаларида ижод қилиб келаётган рассом сифатида Президентимиз томонидан қабул қилинган навбатдаги қарордан бениҳоя мамнунман. Ижодим давомида Ўзбекистон Республикаси давлат герби муаллифи бўлиш, 20 дан ортиқ халқаро кўргазмаларда голибликни қўлга киритиш бахтига муссар бўлдим, лекин шу пайтгача соҳамизга бу қадар юксак эътибор қаратилганини кўрмаган эдим.



Павел Беньков номидаги Республика иختисослаштирилган рассомлик мактаби тасвирий санъатнинг юраги, аъна ва маҳорат маркази саналади. Бу даргоҳда ёшларга нафақат чизмалар чизилиши, балки образ яратиш маданиятини ҳам ўргатамиз. “Устоз-шогирд” аъналарига асосланган ижодий мактабимиз назарий билим, техник ёндашув ва эстетик тафаккур уйғунлигини мужассам этган замонавий

Ёш авлодга муҳим таянч

Жавоҳир НИЁЗОВ,
Ўзбекистон Бадий академияси
ҳузуридаги Рассомлик маҳорат
устонаси стажёр-тадқиқотчиси:

— Давлатимиз раҳбарининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини ўқиб, ўргана эканман, қалбим чексиз ифтихор туйғуларига тўлди. Биз, ёшлар учун шундай тарихий имконият яратилгандики, бунинг сўз билан ифодалаш қийин. Илмий-ижодий тадқиқотларимиз қўллаб-қувватланишининг назарда тутилгани санъатшунослар учун зўр янгилик бўлди.

Ёш рассомлар марказида ижодий устоналар фаолиятининг йўлга қўйилиши, уларнинг уюшма тавсиясига кўра ёш ижод-



корларга муайян муддатга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилиши, тегишли йўналишлар бўйича тўғарақлар ташкил этилиши каби имкониятлар қўллаб-ма-